стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 133 (9.630) 2001 йил 14 ноябрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** Яккасарой туманидаги «Тўқимачи», «Конституция», «Бошлиқ», Бобур ва Абдулла Қаҳҳор номидаги маҳаллалар ҳамкорлигида фаоллар иштирокида ўтказилган тадбир «Ўзбекистонда суд тизимидаги ислоҳотлар» деб номланди.

● **БУГУН** Тошкент электротехника ва алоқа институтида талабалар иштирокида бўлиб ўтган «Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари: мақсад ва вазифалар» мавзуидаги тадбир Тошкент шаҳар ҳамда Юнусобод туман Маънавият ва маърифат марказлари ҳамкорлигида уюштирилди.

● **БУГУН** Чилонзор туманидаги «Совпластитал» қўшма корхонасида ўтказилган тадбир эса фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласига бағишланди. ЭРТАГА мазкур тумандаги «Мевазор» маҳалласида ҳам шундай мавзуда тадбир бўлади.

● **БУГУН** Бектемир туманидаги «Нерудник» корхонасида мазкур корхона хотин-қизлар қўмитасининг жорий йилда Оналар ва болалар йили муносабати билан бажарган иш режаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

● **БУГУН** шаҳримиздаги «Чинор» маҳалласида маҳалла фаоллари ва ёшлари иштирокида Миробод туман Маънавият ва маърифат маркази ташаббускорлигида «Миллий ғоя, ватанпарварлик ва тинчлик учун кураш» мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. КЕЧА Сергели туманидаги Абдураҳмон Жомий номли маҳаллада ўтказилган тадбир ҳам юқоридаги мавзуга бағишланди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тошмаргёг» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида бўлиб ўтган давра суҳбати «Тероризм, террористлар ва террористик ҳаракатлар» деб номланди. ЭРТАГА эса «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Ҳамза туман бўлимида ўтадиган тадбир ҳам шу мавзуга бағишланади.

● **БУГУН** Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтида профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ходимлари билан учрашуви ўтказилди.

● **МУКАРРАМА** Турғунбоева номидаги «Баҳор» халқ рақс ансамбли қошидаги халқ чолғу оркестрида бўлиб ўтган санъат тадбири «18 минг олам» деб номланди.

● **РЕСПУБЛИКА** Ёш томошабинлар театри болажонларимизга яна бир совға тайёрлади. Улар эътиборига «Қувончбобо эртаклари» деб номланган спектакль ҳавола этилди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги «Асбобсозлар» ўйингоҳида мактаб ўқувчилари ўртасида давом этаётган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг навбатдаги босқичи бўлиб ўтди. Шунингдек, Шайхонтоҳур тумани мактаб ўқувчилари ўртасидаги худди шундай спорт мусобақалари 524-мактабда ўтказилди.

— ҚУРИЛИШ

Ижодий ҳамкорлик

Пойтахтимизда қад кўтарган олий мусиқа мактаби замонавий меъморий лойиҳа асосида бунёд этилмоқда. М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг бу янги биноси шарқона меъморчилик услуби билан уйғунлашган ҳолда шаҳримиздаги энг кўркам қурилишлардан бири бўлиб қолади.

Мазкур иншоотда ҳавони кондициялаш тизимлари ҳам ўзига хос техник воситалар орқали монтаж қилинмоқда. Бу мураккаб бунёдкорлик ишлари лойиҳасини тайёрлашда Тошкент архитектура ва қурилиш институти «Ўзсаноатвентиляция» ташкилоти билан бамаслаҳат иш тутди. Бунда меъморларнинг ўзаро ижодий ҳамкорликдаги изланишлари қўл келди.

Аҳад АЛИМОВ

ТАЪЛИМ

Магистратура ўқув-илмий маркази

Магистратура таълимига олий ўқув юртларида муҳим билимлар босқичи ҳамда ёшларнинг илмий қобилиятини юзага чиқарувчи жараён сифатида жиддий эътибор билан қаралмоқда. Бу борада Ўзбекистон миллий университетида ҳам ибратли ишлар олиб борилмоқда.

Олий ўқув юртида «Магистратура ўқув-илмий маркази»нинг очилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Ўзбекистон Фанлар академияси билан биргаликда амалга оширилган мазкур маърифий жараён ўз ижобий натижаларини бера бошлади.

Марказ ҳозир республикамиздаги 20 га яқин илмий тадқиқот институтлари билан алоқани йўлга қўйди. 50 дан ортиқ ҳамкорлик шартномаси тузилди.

Магистрлик дипломига эга бўлган дастлабки қалдирғочларнинг илмий изланишлари босмага тайёрланган нашрдан ўрин олди. Энг яхши деб топилган тадқиқот натижалари эса университет нашриётида тўплам қилиб чиқарилди.

Азиз АМИНОВ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

Маҳмуд Мирзаев номини абадийлаштириш тўғрисидаги 2001 йил 16 октябрдаги 467-сонли қарорни ўзгартириш ҳақида

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 17 сентябрдаги «Академик Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг 100 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги 375-сонли қарори ҳамда Президент девонининг 19 сентябрдаги 11-1464-сонли хатини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Маҳмуд Мирзаев номини абадийлаштириш тўғрисидаги 2001 йил 16 октябрдаги 467-сонли қарорни ўзгартириш ҳақида» қарор қабул қилди.

Унга мувофиқ Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтига узоқ йил раҳбарлик қилган, республика илм-фанига катта хизматлари сингган академик **Маҳмуд Мирзаев** номи **Юнусобод шоҳ кўчасига** қўйилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг М. Мирзаев номини Деҳқонобод кўчасига қўйиш тўғрисидаги 2001 йил 16 октябрдаги 467-сонли қарори бекор қилиниб, Деҳқонобод кўчасига **Юнусобод кўчаси** номи берилди.

Юнусобод тумани ҳокимлигига мазкур кўча ўзгаришига оид ташкилий ишларни 10 кунлик муддат ичида амалга ошириш вазифаси топширилди.

Ушбу ўзгариш ҳақида Юнусобод тумани ҳокимлиги, ободонлаштириш, соғлиқни сақлаш, транспорт, мудофаа бошқармалари, «тез ёрдам», почта, алоқа, ўт ўчириш хизматлари ва бошқа тегишли ташкилот ва муассасалар хабардор этилиши белгиланди.

Комиссия йиғилиши

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Зулфия номидаги Давлат мукофоти бўйича шаҳар комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Бундан 2,5 йил аввал мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш, билимли, ижодкор қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларнинг истиқлол ғояларини амалиётга тадбиқ этишдаги фаолиятини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича Фармони қабул қилинганди. Мазкур фармоннинг ижросини таъминлаш борасида жойларда махсус комиссиялар ташкил қилиниб, улар томонидан зукко, доно ва ташаббускорлиги билан ажралиб турадиган, ўз истеъдоди ва иқтидорини намоён этаётган қизларни Давлат мукофоти номзоди сифатида республика комиссиясига тавсия этиш бўйича мунтазам ишлар олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар комиссиясининг галдаги йиғилишида туманлараро саралаб олинган номзодларнинг ҳужжатлари батафсил ўрганиб чиқилди. Айтиб ўтиш жоизки, мазкур комиссия таркиби барча йўналишдаги мутахассислардан ташкил қилиниб, улар орасида олим ва санъат арбобларидан фалсафа фанлари доктори, профессор Хатима Шайхова, Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова, халқ рассоми Акмал Икромжонов, тарих фанлари номзоди Муборак Юнусхўжаевалар бор.

— Бу йил шаҳар комиссиясига кўриб чиқиш учун 66 та ҳужжат тавсия этилди, — деди йиғилишда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова. — Таҳлиллар шуни кўрсатдики, санъат ва адабиёт соҳасида ижод қилаётган қизларимиз сони анча кўп. Айтмоқчиманки, барча соҳада иқтидорли ёшлар бор, аммо уларни аниқлаш, кўпчиликка намоён этиш бўйича ишларни кучайтириш керак. Бунинг учун ота-оналар ҳам, маҳалла фаоллари ҳамда ўқув юртлари мутахассислари фаоллик кўрсатишлари лозим. Ёшлар рағбатлантирилса, уларга ишонч ҳосил қилиб имконият ва шароит яратилса, ўз ўрнида уларнинг ҳаётга бўлган қизиқиши, ижодга бўлган муносабати ортиб бораверади.

Тошкент шаҳридан Зулфия номидаги мукофотга номзод бўлган қизларнинг кўргазмали чиқишлари 15 ноябрда «Умид» коллежида бўлиб ўтади.

Мукофот соҳибаси эса аньанага кўра 8 март арафасида, халқ шоираси Зулфия таваллуд топган кунида аниқланади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати.

ТРАНСПОРТ

«Ўзотайўл» хизматингизда

Йўловчиларнинг узоғини яқин қилишда метро, автобус, трамвай ва троллейбуслар каби йўналиш таксиларининг ҳам муносиб ўрни бор. Хусусан, бир неча йиллардан буён эски «Раф» русумли йўналиш таксилари ўрнини эгаллаган «Ўзотайўл» кичик автобуслари қулайлиги, кўркамлиги билан йўловчиларга тезда манзур бўлди. Бугунги кунда шундай русумдаги кичик автобусларнинг 136 таси шаҳримиз кўчаларида турли йўналишлар бўйича ҳаракат қилмоқда. Биз ана шундай 44 та кичик автобусларга хизмат кўрсатаётган «Раф» акциядорлик жамиятида бўлиб, корхона фаолияти билан яқиндан танишдик.

Дарҳақиқат, 1994 йил корхона акциядорлик жамиятига айлантирилганидан сўнг унинг фаолиятида ижобий ўзгаришлар юз бера бошлади. Бу тўғрида жамият раиси ўринбосари Зокиржон Ҳакимов қуйидагиларни гапириб берди:

— Латвия Республикасидаги «Раф» русумли йўналиш таксиларини ишлаб чиқарувчи завод бутунлай тўхтатилгандан кейин ишларимиз бирмунча қийинлашди. Лекин шунга қарамай эски бўлса-да бу таксиларни қайта таъмирлаб йўналишлар бўйича ишга чиқардик. Ниҳоят 1999 йил корхонамизга Самарқанд шаҳрида ишлаб чиқарилган 44 та «Ўзотайўл» кичик автобуслари сотиб олинди. Шунингдек, ўша йили корхонамиз ҳудудида бу русумли автобусларга хизмат кўрсатувчи Тошкент шаҳрида ягона бўлган сервис марказини ҳам ишга туширдик. Бу даргоҳда «Ўзотайўл» кичик автобусларига сервис хизмат кўрсатилиб, қайта таъмирланади. Марказда хизмат қилаётган мутахассислар икки ой давомида Туркияда малакаларини ошириб қайтишди. Энди эса улар ўз навбатида бу билимларини республикамиздаги бошқа шу каби сервисларда ишловчи ишчиларга ўргатмоқдалар.

Корхонамиз акциядорлик жамиятига айлантирилганидан кейин ҳар йили акциядорларга дивидендлар бериб бормоқдамиз. Масалан, ўтган йилнинг якуни бўйича 100 сўмлик акцияга 240 сўмдан дивиденд берилди. Шунингдек сервис маркази ва ишчиларнинг душхоналари қайта таъмирланди. Айни пайтларда корхонамизда 240 нафар ишчи ва хизматчи меҳнат қилади. Уларнинг ўртача ойлиги 25-30 минг сўмни ташкил этиб, дам олиб ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Яъни улар бўш пайтлари спорт залга чиқиб теннис, бильярд, шахмат-шашка ўйнашлари мумкин. Шунингдек, ҳар йили соғлиқларини тиклашлари учун республикамиздаги исталган сиҳатгоҳларга йўлланмалар берамиз. Энг асосийси фойданинг кўпроқ қисмини ишчиларга шароит яратиб бериш учун сарф қилмоқдамиз.

Шу кунларда қишга тайёргарлик ишларини муваффақиятли якунладик. Барча иситиш бўлимлари текширувдан ўтказилиб, қайта таъмирланди. Керакли ёнилғи, бошқа зарур бўлган деталлар сотиб олинди. Бир сўз билан айтганда қишки мавсумда 8 та йўналиш бўйича ҳаракатланаётган йўналиш таксиларимизда узилиш бўлмайди ва бир маромда аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатилаверади.

Одил ҲАСАНОВ

КЎРГАЗМАЛАР

Нафис санъат намойиши

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида таваллудининг 80 йиллиги ва ижодий фаолиятининг 50 йиллиги нишонланаётган Ўзбекистон халқ рассоми, академик Раҳим Аҳмедов шахсий асарларининг кўргазмаси давом этмоқда.

Раҳим Аҳмедовнинг асарларида тараннум этилган она-Ватаннинг гўзал табиати, портретларида буюк санъаткор ёки ўқувчи, оддий деҳқон ёки зиёли инсонми, хуллас уларнинг ҳаммасида юксак маҳорат ва машаққатли меҳнат сезилиб турибди. Ҳар бир асарида фойдаланилган бўёқлар жуда ажиб ранг-баранг тарзда бир-бири билан уйғунлашган. Унинг асарларида ўзига хос миллийлик, аньана ва қадриятларимизга ўзгача меҳр ва самимийлик билан ёндошилгани яққол сезилади. Шунинг учун бўлса керак, рассомнинг асарлари Франция, Италия, Буюк Британия, Германия, АҚШ каби давлатлардаги халқаро кўргазмаларда катта муваффақият билан намойиш қилинган.

Марказий кўргазмалар залининг биринчи ва иккинчи қаватларидан жой олган академик-рассом Раҳим Аҳмедов ижодининг илк давридан то бугунги кунда яратган натюрморт, ранг-тасвир ва автопортрет ва табиат манзаралари тасвирига бағишланган асарлари ўз жозибаси, рангларининг жилоси ва ранг-баранглиги билан мухлислари эътиборини тортмоқда.

Атоқли халқ рассоми ўзининг ярим асрлик самарали ижоди билан замонавий ўзбек тасвирий санъатини жаҳонга танитишга муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

30 ноябргача давом этадиган ушбу дурдона асарлар кўргазмасига барча санъат ихлосмандлари ташриф буюришлари мумкин.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Пойтахт жамоалари ғалабаси

КЕЧА ўтказилган мамлакат Х миллий чемпионатининг 34-тур учрашувлари пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган жамоалар учун омадли кечди.

Наманганнинг «Навбаҳор» жамоасини ўз майдонида қабул қилган пахтакорчилар 2:1 ҳисобида рақибларини енгишга муваффақ бўлишди ва муҳим уч очкони қўлга киритишди.

«Андижон» жамоаси билан ўз майдонида куч синашган тракторчилар эса Собир Ходиевнинг рақиблар дарвозасига йўлланган голи туфайли ғалаба қозонишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Металлург» — «Семурғ» 6:0, «Кимёгар» — «Сурхон» 1:3, «Турон» — «Бухоро» 1:3, «Зарафшон» — «Қизилқум» 0:0.

БУГУН эса ушбу турдаги «Академия» — «Нефтчи» ҳамда «Дўстлик» — «Насаф» учрашувлари бўлиб ўтади.

Навбатдаги 35-тур ўйинлари 21 ноябрда ўтказилади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Япония парламенти Вакиллар палатасининг депутати Нариаки Накаямани қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кеча Оқсаройда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) президенти Жан Лемьерни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан ЕТТБ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболдаги режалар хусусида сўз борди.

● Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссиясининг Тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича кичик комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлди.

● Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● АҚШнинг халқаро ривожланиш бўйича Агентлиги (ЮСАИД) раҳбари Эндрю С. Нациос Ўзбекистонга ташриф буюрди. У Марказий Осиё минтақаси мамлакатларига қилган ушбу сафари мобайнида АҚШнинг Афғонистон халқига инсонпарварлик ёрдами масалалари юзасидан музокаралар ва учрашувлар ўтказади.

● Тошкентда «Ўзкўргазмасавдо» савдо марказида дори-дармон ва тиббиёт асбоб-ускуналарининг навбатдаги кўргазмаси очилди.

● «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Андижон вилояти бўлими мутасаддилари вилоят туғруқхона мажмуига жами қиймати 600 минг сўмликдан зиёд замонавий тиббий ускуналар, жиҳозлар, дори-дармон ва боғлаш воситаларини тақдим этишди.

● Ибн Сино жамғармаси томонидан умумтаълим мактаблари учун ишлаб чиқилган «Болалар гиёвандликка қарши» дастури амалиётга тадбиқ эта бошланди.

● Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг академик лицейида мамлакатимиздаги академик лицейларнинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичидаги фаолиятига якун ясалиб, иккинчи босқичдаги вазифаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

● Гулистонда вилоят соғлиқни тиклаш маркази ўзининг дастлабки мижозларини қабул қилди.

● Республика Байналмилал маданият марказида Республика поляк миллий маданий маркази ва Польшанинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ташкил этилган Польша Республикаси мустақиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

● Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида «Сўғдиёна» ўзбек халқ чолғу асбоблари камер оркестрининг 10 йиллигига бағишланган анжуман ўтказилди.

● Эртага Жиззах шаҳрида Республика Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмитасининг тармоқ спартакиадаси ўтказилади. Спартакиада икки кун давом этади.

Жаҳонда

● Кеча Вашингтонга расмий ташриф билан келган Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва АҚШ Президенти Жорж Буш ўртасида юзма-юз учрашув бўлиб ўтди. Мулоқотларда умумбашарий хавфсизлик, хусусан, халқаро терроризмга қарши кураш, Россия ва НАТО ҳамкорлигининг истиқболлари, АҚШнинг ракетадан мудофаа тизими масалаларига доир қатор муаммолар юзасидан музокаралар олиб бориш режалаштирилган.

● «Рейтер» ахборот агентлигининг хабар беришича, Афғонистондаги Шимолий альянс кучлари мамлакат пойтахти Кобул шаҳрини жангсиз олишга муваффақ бўлган. Маълум бўлишича, «шимолчилар» толибларнинг Кобулдаги ҳукумат биносини ҳам эгаллаган. Хабарларга қараганда, толиблар оммавий равишда Кобулни ташлаб Қандаҳор томон йўл олишган.

● Ўтган душанба куни маҳаллий вақт билан соат 9 дан 30 дақиқа ўтганда АҚШнинг «Америкэн эйрлайнз» ширкатига қарашли «А-300» русумли самолёт 251 нафар йўловчи ва 9 нафар экипаж аъзоси билан Нью-Йоркнинг Куинс туманидаги аҳоли яшайдиган ҳудудга қулаб тушган эди. Дастлабки маълумотларга қараганда, ҳозирча 268 нафар ҳалок бўлганларнинг жасади топилган. CNN телекомпаниясининг хабар беришича, Бостондан Доминикана Республикасига Нью-Йорк орқали йўл олган ушбу самолёт парвоздан 3 дақиқа ўтгандан сўнг қулаши оқибатида 6 та бино ва аҳоли яшайдиган бир қанча уйлар вайрон бўлган. Президент Жорж Буш маъмурияти мулозимларининг билдиришича, мазкур авиаҳалокатга техник носозлик сабаб бўлган.

● Кеча Украина Президенти Леонид Кучма генерал Владимир Шкидченкони мамлакат мудофаа вазири этиб тайинлади.

● Кеча ГФР канцлери Герхард Шрёдер агар мамлакат парламентининг кўпчилик аъзолари аксилтеррор амалиётларини қўллаб-қувватлаш мақсадида немис ҳарбийларининг халқаро коалиция сафига қўшилиши борасидаги ҳужжатни тасдиқламаса, у ҳолда истеъфога чиқишини маълум қилди.

● Аввал хабар қилганимиздек, Болгарияда яқинда президент сайловлари бўлиб ўтган эди. Лекин унда даъвогарларнинг қайси бири ғолиб бўлганлиги аниқланмаганди. Амалдаги давлат бошлиғи Петр Стоянов ва Болгария социалистик партияси раҳнамоси Георги Парвановларнинг биронтаси ҳам биринчи босқичда сайловчиларнинг етарли овозини ола олмадилар. Эндиликда президент сайловларининг иккинчи босқичи ўтказилиши аниқ бўлиб қолди.

● Бугун Европанинг тўққизта ва Осиёдан битта футбол жамоаси 2002 йилда Япония ва Жанубий Кореяда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига йўлланма олиш учун ҳал қилувчи учрашувларни ўтказади.

БОЗОР

«Тошбозортайёрловсавдо» акциядорлик жамиятлари уюшмасининг саҳифаси

Сўз ва иш бирлиги

Шаҳримизда бозорлар кўп, лекин уларнинг ҳар бири катта-кичиклиги, мавқеи, географик жойлашиши, озода ёки гавжумлиги билан бир-биридан фарқланиб туради. Масалан, «Олой» бозорини «Янгиобод» билан таққослаб бўлмаганидек, «Эски Жўва»ни «Аския» бозори билан тенглаштириб бўлмайди. Лекин уларнинг ҳар бири ўзига хос. Хусусан «Аския» бозорини олайлик. У юқорида тилга олинган бозорлардан анча кичик ва ихчам бўлсада, сотувчи ва харидорларнинг гавжумлиги билан ўзгалардан ажралиб туради. Ушбу бозор тарихи, унинг ижтимоий ҳолати ҳақидаги фикр мутахассислар эътиборига ҳавола. Биз эса унинг бугунги куни ва гавжумлиги хусусида сўз юритмоқчимиз.

— Умуман шаҳримизда намунали бозорлар кўп, уларнинг қиёфаси йил сайин ўзгариб, гўзаллашиб, катталашиб бормоқда. Энг йирик «Олой», «Эски Жўва», «Қўйлиқ» каби бозорлар ободлиги жиҳатидан бизнинг бозордан қолишмайди. Лекин газетхонлар энг обод деб бизнинг бозорни тан олган экан, бундан кейин ҳам уларнинг эътиборига яраша хизмат кўрсатишга ҳаракат қиламиз, — дейди бизга ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси.

— Собиржон Маннонович, албатта сўнгги йилларда бозорларимиз ўта замонавийлашди. Бугун шаҳримиздаги қайси бозорга борманг, янгиликлар, ўзгаришларнинг гувоҳи бўласиз. Бундай ижобий ҳаракатлар нафақат бизни, ҳатто хориждан келган меҳмонларни ҳам тан қолдирмоқда. Хусусан сиз бошчилик қилаётган «Миробод» бозорини ҳам эскиси билан сира таққослаб бўлмайди.

— Нимасини айтасиз, ҳар қанча шарқона бўлмасин, эски бозоримизда сотувчиларга ҳам, харидорларга ҳам етарли қулайлик яратилмаган эди. Расталар танқислигидан маҳсулотлар ерда сотиларди. Мана бир неча йилдирки, эски бозорнинг ўрнида янгиси қад кўтариб ишга туширилди. Унда барча шароитлар муҳайё этилган. Албатта, бу мустақиллик шарофатидир.

— «Оқшом»хонлар «Энг обод бозор» деб тан олган «Миробод»да бугун қандай янгиликлар бор?

— Янгиликлар кўп. Ўйлайманки, уларнинг барчасини бирма-бир санаб ўтиришга ҳожат йўқ. Бозоримизнинг гуллаб-яшнаши ва харидор ва сотувчилар талабларига тўла жавоб бера оладиган даражада бўлиши учун қўлдан келганча ҳаракат қиляпмиз.

Иш мезонини биринчи навбатда тартиб-интизом ташкил этади, иккинчиси хушмуомалалик. Мана шу хусусиятлар бор жойда ижобий натижалар қўлга киритилаверади. Жамоамизда 108 киши ишлайди. Улардан 8 таси фаррош, 7 таси назоратчи. Албатта, шундай катта бозорни 3-4 фаррошнинг кучи билан тартибга солиб бўлмайди. Шуни ҳисобга олиб биз бу ишга назоратчиларни ҳам жалб этганмиз. Ҳар бир назоратчи ўзига бириктирилган жой учун масъул. Бунга озодаликдан тортиб тартиб-интизом, ахлоқ-одоб қоидаларигача киради. Шундай экан улар пештахтага эндигина маҳсулот келтириб қўйган кишининг шахсини суриштиришдан ташқари унга бозордаги кундалик тартиб-интизом, харидор билан хушмуомала бўлиш каби қоидаларни ҳам эслатиб ўтади. Ҳатто сотувчи келтирган маҳсулотнинг сифатига қараб, унинг ўртача нархини белгилаб беради.

Яна бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Бозор одамларнинг кундалик эҳтиёжини қондирадиган, талаб ва истакларини ўрганадиган жой. Ҳар қандай харидор бозордан мамнун бўлиб уйига қайтмоғи лозим. Бунинг учун бозорда харидорга ҳам, сотувчига ҳам зарур қулайликларни яратиб бериш керак. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилдаги «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори юзасидан келиб чиқиб анчагина ишларни амалга оширган бўлсакда, ҳали қиладиган юмушларимиз кўплигини ҳам эътироф этиш керак. Умуман сизга айтсам бизнинг кун тартибимиз биринчи навбатда бозор озодалигидан бошланади.

— Бозор — кенг даргоҳ. Унга бир кунда турли касб эгалари келиб кетишади. Уларнинг ҳаммасини маълум даражада эҳтиёжини қондириш лозим. Албатта бунинг учун биз юқорида қайд қилиб ўтган қулай шароит бўлса нур устига нур бўлади.

— Ошхона, чойхона, маиший хизмат хоналари эртаю-кеч сотувчи ва харидорлар хизматида. Агар харидор истаса харид қилган маҳсулотларини уйигача элтиб берадиган аравачалар, махсус енгил машиналар мавжуд. Ҳатто бозоримизга узоқ Паркент, Янгийўл, Сўқоқ қишлоқларидан маҳсулот олиб келадиган сотувчилар учун ҳам машиналар ажратилган.

Бозоримиз деярли шаҳар марказида жойлашган. Шунинг учун бизда сабзавот маҳсулотларидан тортиб қуруқ меваларгача, гўштдан тортиб сут маҳсулотларигача бисёр. Эртадан кечгача расталаримиз турли ноз-неъматларга тўла. Яна бир гап. Хоҳлайсизми-хоҳламайсизми, деҳқоннинг вақти ҳамиша тиғиз бўлади. У бозорда чаканалар ўтирса даладаги юмуши қолиб кетади. Шу туфайли вақтни беҳуда ўтказмаслик учун деҳқон бозорга олиб келган маҳсулотини кўтара сотиш пайида бўлади. Маҳсулот эса қўлдан қўлга ўтган сари нархи кўтарилиб боради. Бундай ҳолга чек қўйиш ёки чайқовчига ортиқча эрк бермаслик мақсадида бозоримиз қошидаги савдо харид корхонаси таркибини тобора кенгайтириб боряпмиз. Бир нечта нуқталарда унинг дўконларини очганмиз. Шундай қилиб, бозор нархнавосининг нисбатан арзон бўлишига эришаяпмиз. Албатта, бундай кенг ҳажмли ишларни амалга ошириш жамоадан катта куч талаб қилади. Бу борада гап борганда Равшан Усмонов, Бобур Тоҳиров, Дилмурод Абдураҳмонов, Зулфия Мирзаолимоваларнинг намунали хизматларини айтиб ўтиш жоиз.

Сўз ва иш бирлигини назардан ўтказиш мақсадида бозор айландик, сотувчи ва харидорлар билан суҳбатлашдик. Очиғи, қайси растада бўлмайлик, озодаликдан ташқари нарх-навода бошқа бозорларга нисбатан қандайдир енгиллик борлигини ҳис этдик.

— «Миробод»нинг таърифи узоқларга кетган, — дейди биз билан суҳбатда Азамат Каримов. — Шунинг учун бўлса керак, бу ерда хориждан келган меҳмонларни ҳам кўплаб учратасиз. Улар билан суҳбатлашсангиз, бир овоздан бозорнинг бугунги кунидан мамнун эканликларини айтишади.

— Бу ердан анча узоқда истиқомат қиламан. Оралиқ масофа анча олис бўлишига қарамай харид қилиш учун ёки томорқамизда етиштирилган маҳсулотларни сотиш учун шу бозорга келаман. Бозор ҳамиша гавжум бўлганлиги учун харид ва сотувингиз тез битади, — дейди Эркин Ботиров.

Бошқа суҳбатдошларимиз ҳам бозор ҳақида шундай ижобий фикрларни билдиришди. Кўрган кечирганларимиздан шундай хулосага келдикки, чиндан ҳам «Миробод»ни «Энг обод бозор» деб таъриф берганларича бор экан. Шу ўринда кўпчилик баҳоси ҳақиқий бўлажаклигига яна бир карра ишондик.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ





«МИРОБОД»НИНГ БУГУНГИ КУНИ

Агар эсингизда бўлса, биз ўтган галги «Бозор» саҳифасида «Энг обод бозор» сўровини ўртага ташлаган эдик. Ўтган давр мобайнида бу саволимизга газетхонлардан кўплаб жавоблар олдик. Таҳририятга йўлланган мактублар ва телефон қўнғироқларининг кўпчилигида «Миробод» бозори «Энг обод бозор» деб қайд қилинган. Биз мана шу истак ва талабларни ҳисобга олиб, ушбу бозор ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси Собиржон Ҳакимов билан учрашиб, бир нечта саволлар билан унга мурожаат қилдик.

«Аския» бозори ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Мирзааҳмад Мирпўлатов хонасига киришингиз билан келгусида бунёд этилажак янги бозорнинг лойиҳаси кўзга ташланади. Бу гўзал ва бетакрор қиёфа кашф этган чизмаларга тикила туриб кўзингиз қувнайди. Бошқарув раиси бизга шундай тушунтириш берди:

— Янги бозоримизнинг лойиҳаси ана шунақа гўзал кўринишга эга бўлади.

— Янги бозор қаерда ва қачон қурилади?

— Мана шу кўриб турган эски бозор ўрнида қад кўтаради. Юқори ташкилотлар билан келишиб келгуси йилнинг бошларида ишга киришишни мўлжаллаб турибмиз.

— Янги бозор неча ўринли бўлади?

— Ҳозирги эски бозоримиз анча гавжум. Лекин у бироз торлик қилиб қоляпти. Шуни ҳисобга олиб янги бозорни бир ярим минг ўринли қилиб қуриш ниятимиз бор. Яъни ундаги ўринлар сони ҳозиргига нисбатан тенг баробар кўп бўлади.

Албатта, бу келажакдаги режалар. Хўш, бозорнинг бугунги куни қандай кечмоқда? Сотувчи ва харидорларга яратилган шароитлар етарлими? Унинг гавжумлигининг сабаби нимада? деган саволлар билан қизиқдик.

— Яхшиси бу саволларга жавобни сотувчи ва харидорлар бергани маъқул. Чунки холисона баҳони улар бера олади, — дейди бизга Мирзааҳмад ака.

Шу ақидага амал қилдик. Биринчи суҳбатдошимиз Комил Аҳмедов ўз фикрини шундай баён қилди:

— Менимча, Тошкент бозорларини бир-биридан камситиб бўлмайди. Уларнинг ҳаммаси ҳам гавжум ва обод. Айниқса сўнгги йилларда бозорларимизга катта эътибор қаратилди. Гўзал ва замонавий бозорлар бунёд этилмоқда. Борлари эса қайта таъмирланиб давр талабига мослаштирилди. Албатта, бунинг ҳаммаси мустақиллик шарофатидан, миллий анъана ва қадриятларимиз тикланишидан.

Белгиланган довон сари одимлаб бораётган одамда орқага қараб босиб ўтирган йўлга назар ташлаш одати бор. Агар биз ҳам шунга амал қилиб мустақиллигимиздан олдинги бозорларимиз ҳолатини бир кўз олдимизга келтирсак ҳаммаси аён бўлади-қолади. Қисқа муддат — 10 йил ичида барча тармоқлар қатори бозорларимиз ҳам ўзгача қиёфа кашф этгани яққол кўринади.

— Ўзим шу яқин атрофда турганим учун «Аския» бозоридан кўпроқ харид қиламан. Соҳам шундайлигиданми, билмайман, ҳар гал бу ерга келганимда биринчи галда бозорнинг гавжум ва озодалигига эътибор бераман. Очиғи, ҳамиша раста ва йўлаклар тозалигига кўзим тушганда кайфиятим кўтарилиб кетади. Биров ҳавас қилса арзигулик бозоримиз борлигидан фахрланаман, — дея ўз фикрини баён этди тиббиёт фанлари номзоди Бекмат Ҳасанов.

— Шароитдан нолимаймиз, — дея сўз юритди суҳбатимизга қўшилган сотувчи Олим Кўчқоров. — Лекин бозор бироз торроқ, бундай гавжум савдо нуқтага, албатта, кенг ва замонавий бозор ярашади.

— Тан олиш керак, бозоримиз ўта гавжум. Сабаби у универсал. Бу ерда кийимкечак, озиқ-овқатдан тортиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларигача харид қилишингиз мумкин. Бозорга кирган харидор борки қуруқ қайтмайди, истаган нарсасини топа олади, — дейди бизга уй бекаси Ибодат Тўлаганова.

Расталарни айландик. Одамлар гавжум, маҳсулотлар бисёр.

— Бир йил ичида 200 дан ортиқ кўшимча ўринларни ташкил этдик. Лекин барибир ҳудудимиз торлик қиляпти. Янги бозор бунёд этилса бу қийинчиликлар орқада қолиб кетади, — дейди бизга сўзининг охирида бошқарув раиси.

Маҳмуд ОРИПОВ

Таҳририятдан: Биз «Аския» бозорининг гавжумлигини кўриб, навбатдаги газетхонлар билан мулоқотни «Энг гавжум бозор» деб атадик. Шундай таърифга шаҳримиздаги яна қайси бозорлар лойиқ? Шу ҳақда ўз фикрини билдириш истагида бўлганлар бизга мактуб йўллашлари мумкин. Уларнинг таклиф-истаклари навбатдаги бозор саҳифасида ёритилади.



Нурсозларнинг тантанали кечаси

АНЖУМАНЛАР

Тошкентдаги темирйўлчиларнинг Марказий маданият саройида Ўзбекистон темир йўлларида электр поездлари ҳаракатининг йўлга қўйилганига 30 йил тўлишига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Унда темир йўлларни электрлаштиришда қатнашган ва ҳозирда «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акционерлик темирйўл компаниясининг электр таъминоти бошқармаси тармоқларида самарали меҳнат қилиб келаётган фаол ишчи-хизматчилар, ушбу соҳада ишлаб нафақага чиқиб кетганлар, турли соҳалардан ҳамкасбларни қутлаш учун келган меҳмонлар, компания бошқаруви ҳамда касаба уюшмаси раҳбарлари иштирок этдилар.

Компания раиси Р. Зоҳидов ўз табрик сўзида таъкидлаб ўтганидек, темир йўл тармоғининг бирорта бўғини йўққи электр таъминоти етиб бормаган ва ушбу бошқарма хизматидан фойдаланмаган бўлсин. Ҳозирги кунда ушбу бошқарманинг ишчи-хизматчилари меҳнатлари туфайли 600 километр йўлларда поездлар электричкалар ёрдамида тортилмоқда. Бундай атроф-муҳитга зарарсиз ҳаракатнинг иқтисодий самараси ҳам, ишдаги унумдорлиги ҳам катта. Шунинг учун компания раҳбарияти томонидан ушбу хизмат вакиллари ва уларнинг ишлари доим қўллаб-қувватланиб, рағбатлантирилиб, ўз вақтида маблағ билан таъминлаб келинмоқда. Электрлаштиришнинг келажаги порлоқ. Ҳозирда компания йўлларининг олтидан бири электрлаштирилган бўлса-да, умумий бажарилган ишларнинг учдан бири мана шу йўлларда бажарилмоқда. Шунинг ўзи ҳам электрлаштиришнинг қанчалик аҳамиятга эгалигини айтиб турибди.

1970 йилларда бу соҳадаги энг нозик мутахассислик контактли улашлар бўйича саноқли бўлса, энди бу соҳада ҳам кўплаб ёш, талантли миллий кадрлар етишиб чикди. Компания раиси нурсозларни байрам билан қизғин табриклар экан, уларнинг қилаётган ишларига юқори баҳо беради. Шунингдек, бир гуруҳ фаол ишчи-хизматчиларни раҳбарият томонидан мукофотланганини эълон қилди ва совғаларни ўз эгаларига топширди. Тармоқда меҳнат қилган барча меҳнат фахрийлари ҳам тақдирландилар.

Ҳамкасблар, меҳмонлар табрикларидан сўнг кечанинг тантанали қисми бошланди. Ўзбекистон Республикаси Давлат хор капелласи, «Бинафша», «Ассалом, қуёш», «Силуэт», мақомчилар дасталарининг чиқишлари кечага завқ бағишлади.

Адҳам ДАМИНОВ

ОБОДОНЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ

Ҳамжиҳатлик бўлган жойда

Тошкент шаҳар ҳокимининг шаҳримизни янада гўзал ва обод қилиш мақсадида эълон қилган бир ой муддат давом этадиган ободонлаштириш ойлигини ўтказиш ҳақидаги қарори Юнусобод тумани аҳолисини ҳам оммавий сафарбарликка чорлади.

Айни кунларда тумандаги корхона ва ташкилотлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, маҳаллалар ҳамда мактабларда ободонлаштириш ойлиги муносабати билан хашарлар уюштирилмоқда. Ҳамжиҳатлик билан ўтказилаётган ушбу ҳашарларда туманнинг ёшу қариси бирдек фаоллик кўрсатмоқда. Бу борада шу кунгача қандай ишлар амалга оширилди, деган саволимизга туман бош агрономи Фотима Сандибоева қуйидагича жавоб берди.

— Ҳамжиҳатлик бўлган жойда ҳар қандай юмуш ўз вақтида бажарилишига шубҳа йўқ. Чунки туманимиз ҳудудий жиҳатдан анча катта бўлишига қарамай, барча маҳаллалар фаоллари, корхона-ташкилотлар, муассасалар вакиллари, олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, мактаблар ўқувчилари ободонлаштириш ойлигида туманимизнинг янада гўзал бўлишига ўз ҳиссаларини баҳоли қудрат қўшмоқдалар. Ҳар бир маҳалла, корхона ёки ташкилотлар ўз ҳудудларини ораста ҳолга келтириш, ариқлар, кўчалар, хиёбонларни чиқиндилардан тозалаш, ирригация тармоқларини қайта таъмирлаш, дарахтларга қайта ишлов бериш, мевали-манзарали кўчатлар экиш мақсадида шанба, якшанба кунлари оммавий ҳашар уюштирмоқдалар. Ушбу жараёнда «Ўзбексельмаш», «Инструментал», «Гидромедприбор» корхоналари, 2515 ва 2505-автокорхоналари, «Турон», «Отчопар» маҳаллалари бошқаларга намуна бўлишяпти. Шу кунгача ободонлаштириш ишларига жалб этилган 26 минг 280 нафар фаоллар кўмагида 29,9 гектар ер тозаланиб, ораста ҳолга келтирилди, 27,2 километр ирригация қувурлари ҳам қайта тозаланиб, яроқсизлари янгилари билан алмаштирилди, 4500 манзарали ва мевали дарахтларга шакл берилди ҳамда 1000 дона дарахт, 1200 дона бута, 1600 дона гул кўчатлари экилди. Ободонлаштириш ойлиги якунлангунга қадар яна 2000 та терак, 800 та бута, 200 та манзарали, 100 та мевали дарахтлар экишни режалаштирганмиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Кўчалар кўрки – шаҳримиз файзи

Пойтахтимиздаги бошқа туманлар қаторида сергелиликлар ҳам шаҳримизда ўтказилаётган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва кузги кўчат экиш ойлигида фаол қатнашмоқдалар. Хусусан, шу кунгача тумандаги 14 мингга яқин аҳоли бу тадбирга жалб этилган.

— Туманимиз ҳудуди шаҳримиз четроғида жойлашган бўлса-да, лекин ўзига хос кўркамлик ва тароватга эга, — деди туман ободонлаштириш бошқармасининг катта муҳандиси Сожида Алиева. — Албатта мазкур тадбирда тумандаги, маҳаллалар, ўқув даргоҳлари, корхона ва ташкилотлар ходимлари ҳам биз билан елкама-елка туриб, ўзларининг улушларини қўшмоқдалар. Қолаверса, бу саховатли, хосиятли ишлар ҳар бир инсоннинг бурчи ҳисобланади. Буни тўғри англаб етган сергелиликлар, ўзлари яшаб турган уй ва кўчалар атрофини саранжом-саришта қилиб, кўчатлар экишмоқда. Шу кунга қадар бу ишга 146 та техника ва механизмлар жалб этилиб, 53 гектар ҳудуд ва 55 километрлик сув шохобчалари тозаланди. Шунингдек, йўл четида автобусларнинг юришига халақит бераётган 200 дан зиёд дарахтларга қайта шакл берилиб, 35 минг туп гул кўчатлари экилди.

Биз режа бўйича туманимиз ҳудудига 2850 та манзарали, 175 та мевали, 5500 та терак ва 6000 та буталар экишни мўлжаллаганмиз. Айни пайтда бу дарахтларни ўтказиш учун жойлар ҳозирланмоқда. Бундан ташқари шу ерда яшовчилар ҳам ўзларининг ҳовли ва кўчаларига дарахтлар экишади.

Яна қилаётган ишларимиздан бири йўл ва йўлакчаларни қайта таъмирдан чиқариш. Ҳозиргача 120 километрлик йўл қайта таъмирланиб, 160 тонна ахлат ва барглар олиб чиқилди. Албатта, буларнинг барчаси мунтазам равишда бажариб бораётган ишларимиз сирасига киради. Аммо аҳолини бу юмушларга жалб қилиш ҳам биз учун катта масъулият. Яъни кўчаларимиз тоза, озода бўлса, атрофларида чиройли дов-дарахтлар, гуллар барқ уриб турса, албатта биз бундан фахрланамиз.

Очил ҲАЗРАТОВ

Сўраганнинг айби йўқ

Яқинда йўлимиз тушиб генерал Узоқов номли кўчадан ўтиб қолдик. Кўчамисан кўча, юрган одамнинг ҳаваси келади. Икки томонлама кенг ва равон йўл бўйлаб бораётиб унинг энг серқатнов бекат, одамлар билан гавжум жойларида пайдо бўлган бозорчалар тез-тез кўзга ташланишининг шоҳиди бўлдик. Айни дамда беихтиёр хаёлимиздан хўш, бу бозорчалар кимга қарашли ўзи? Уларнинг эгаси борми? деган саволлар ўтди. Ўзимизча сўраб-суриштирдик. Лекин саволимизга аниқ жавоб топа олмадик.

Эртасига юмуш билан Ҳалқа йўлининг «Уч қаҳрамон» йўналишидан чап томон — «Бирлик» даҳасига йўл олдик. Бай-бай, бироз лофи билан айтадиган бўлсак ҳар қадамда бозорча, уларда асосан мева-чева, қовун-тарвуз маҳсулотлари сотиляпти. Кеча кўрганимиз бунисининг олдида ҳолва.

— Бу бозорча кимга қараши? — сўраймиз сотувчилардан.

— Даламизга яқин бўлгани учун ўзимиз ташкил этганмиз, — дейишади улар бироз хижолат тортиб. — Етиштирган ҳосилимизни шу жойнинг ўзида сотсак ёмонми?

Шундай бўлсаку кошки эди. Очиғи бу жавобга бирда ишондик, бирда йўқ. Сабаби бу жойларда ҳам ўз даласида етиштирган ҳосилини сотаётган ҳақиқий деҳқонлар кам. Бозорчани асосан узоқ-яқиндан келган тижоратчилар эгаллаб олишган. Бугунги кунда бунақа «қўлбола» бозорчаларни биргина биз айтган кўчаларда эмас, балки шаҳримизнинг турли бурчакларида учратиш мумкин.

Балки шундай бозорчалар кимларнингдир узоғини яқин қилиб, йўловчилар учун қулайлик яратар. Бунисига шубҳа йўқ. Лекин бир яхшининг бир ёмони деганларидек, бу ерда сотилаётган маҳсулотларнинг кўпчилиги ҳеч қандай кўрикдан ўтмаган, ҳатто улар орасида керагидан ортиқча дори-дармон билан «семиртирилгани» учун катта бозорда сотишга рухсат этилмаганлари мана шундай бозорчаларда сотилаётганига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Ҳамма гап мана шунда.

Агар йўлингиз тушиб сиз ҳам шундай бозорчалардан харид қилишингизга тўғри келса, эринмай сотувчидан сотаётган маҳсулоти учун рухсатнома қоғозини сўраб суриштиринг. Агар унда шундай қоғоз йўқ бўлса, бизнинг сўзимизга ишонч ҳосил қиласиз. Борди-ю сотувчининг рухсатномаси бўлса пешона тери эвазига топилган пулга харид қилган маҳсулотингизни ҳеч қандай шубҳа-гумонлардан холи бўлган ҳолда бемалол тановул қиласиз.

Аниқ жавоблар олинди

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида шаҳар коммунал фойдаланиш бирлашмасининг навбатдаги ишчи семинари бўлиб ўтди.

Семинарда туманлардаги коммунал фойдаланиш бошқармалари ҳамда коммунал таъмирлаш, тиклаш ва авария хизмати корхоналари раҳбарлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари раислари иштирок этдилар. Унда шаҳар уй-жой фондини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишлар, аҳолининг коммунал хизматлар учун тўловларини амалга ошириш борасида ширкатларда қарздорлар билан ишлаш бўйича бажарилаётган юмушлар, уй-жой мулкдорлари ширкатларига ер майдонларини доимий фойдаланиш ҳуқуқини берадиган давлат актларини тайёрлаш ва уларни олиш ҳақидаги ҳамда бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги ушбу масалалар юзасидан Тошкент шаҳар коммунал фойдаланиш бирлашмаси бош директори Хусниддин Маҳкамов, бош директорнинг биринчи ўринбосари Воҳиджон Каримжонов сўзга чиқдилар.

Мулоқот тарзида ўтган ушбу семинарда қатнашчиларнинг барча саволларига тегишли жавоблар қайтарилди.

САНЪАТИМИЗ ДАРҒАЛАРИ

Ёдда қолган учрашув

Ўзбекистон халқ рассоми, «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган Чингиз Аҳмаровни эслаб



1984 йил. Борлиқни жизғанак қилувчи саратоннинг сўнгги куни. Таҳририят топшириғига кўра, Чингиз Аҳмаровни излаб, унинг устахонасига йўл олдим. Камина кириб борганида устоз ўзининг бир гуруҳ шогирдлари — Алишер Мирзаев, Баҳодир Жалолов, Жавлон Умарбеков, Муборак Йўлдошев ва Содиқ Раҳмоновлар даврасида ширин гурунглашиб ўтиргандилар. Оға мени самимий кутиб олдилар-да, адашмасам, Алишер Мирзаевнинг қўлига пул тутқазиб, дедилар: «Тўртта нон, ярим кило пиширилган гўшт, иккита ароқ оларсиз. Қолгани фантазиянгизга боғлиқ».

Ҳадемай суҳбат янада қизғинлашиб кетди... Таҳририят топшириғини бажариб ортимга қайтаётганимда, Оға шундай дедилар:

— Дарвоқе, Сиз хизмат қилаётган журналда менинг бир мақолам анча вақтдан бери босилмасдан ётипти. Бу йил ҳиммат қиларсизлар, деган умиддаман. Унда истеъдодли, аммо иши пича юришмай турган бир рассом укамизнинг ижоди тўғрисида қуюниб ёзгандим. (Мақола, адашмасам, журналнинг 1985 йил 3-сонида эълон қилинди — Ш.С.).

...1985 йил 25 ноябрь.

Чингиз оға Хукумат шифохонасида муолажа олаётган эдилар. Оғани зиёрат қилгани бордик. Эшикда унинг ўз қўли билан ёзган қуйидаги ҳазиломуз эълонга кўзимиз тушди: «Бемор Аҳмаровга қуйидагиларни олиб келиш ман этилади: конфетлар, шоколад, қандолатли маҳсулотлар, қатлама, асал, музқаймоқ ва ҳоказо ширинликлар. Узум, майиз, пишган олмалар, бананлар, ананаслар, алкоголли ичимликлар, дудланган қази, шўр газаклар, қалампирлар, хантал ҳам олиб келманг. Истасангиз бир бош карам, фей-хао устрицаси, манго, кокос ёнғоғини, папайуни эса хом ва пишган ҳолича келтиришингиз мумкин». Ўша кезлари Оғанинг акаси, тиббий хизмат полковниги Мидхат Аҳмаров вафот этган эди. Марҳумни ёдга олиб фотиҳа ўқидик. Ундан кўнгил сўрадик. Оға ўзи ҳозиргина мутолаа қилиб бўлган А. Татариновнинг «Бухорода етти ой асирликда» китобидан олган таассуротлари билан ўртоқлашдилар.

Шу сатрларни ёзаётирман-у негадир мусаввирнинг нимсарғиш рангда ифодаланган «Ярадор жангчи» полотноси кўз ўнгимдан дам-бадам ўтиб туради. Кўкда танҳо тўлин ой сарсари кезади. Кеча илиқ. Замин ва само бепоён. Ундан уфураётган сукунат ҳам чексиз. Сарғиш осмон сариқ кафан бўлиб жангчи яраланган фоже жойни қуршаб турибди. Жангчи қўлида сопига яқин еридан чўрт учиб кетган қилич. Кўксига қаторасига қадалган патли ўқлар ўрнидан қон сизиб чиқмоқда. У синган қиличини маҳкам тутган кўйи тик турган ҳолича ўлади. Фақат шундан сўнг эса йиқилади. Суҳбатлардан бирида Оға: «Мазкур асар қалбимнинг автопортретидир», — дегандилар.

Чингиз Аҳмаров билан бўлган яна бир учрашув ёдимда қолган.

1987 йил 16 август куни. Оға таваллудининг 75 йиллиги арафасида у билан учрашувим зарур эди. Эшикдаги: «Уйдаман. Кўнғироқни давомли босинг, эшикни қаттиқ тақиллатинг!» — ёзувини ўқиб ўйга толдим. Шу асно рўпарадаги эшикдан истараси иссиқ бир келинчак кўриниш бериб, деди: «Сўнгги маҳалларда Оғанинг қулоқлари оғирлашиб қолган. Эшикни тақиллатиш, қўнғироқ тугмачасини босиш, телефонга чақириш кўпинча беҳуда бўлиб чиқади». Шундай деб, у ичкари кириб кетди, ҳиёл ўтмай, қайтиб чиқди-да, деди: «Толеингиз бор экан. Кўнғироқ қилгандим, телефон гўшагини ўзлари кўтардилар. Ҳозир чиқадилар».

...Мана, Устознинг китоблар, эскизлар, альбомлар, портретлар қалаштириб ташланган квартирасида суҳбатлашиб ўтирибмиз. (Аслида ҳар бир сўзни бақириб айтишимга тўғри келади).

— Етмиш бешга кирган одам қанақа сир-синоатларни бошидан кечирар экан?

Суҳбатдошим қалин кўзойнаги оша менга қараб қулдиларда, кўтаринки кайфиятда дедилар:

— Бир елкамда ўттиз етти ярим яшар йигитнинг, яна бир елкамда ўттиз етти ярим яшар йигитнинг куч-ғайратини, шижоатини ҳис қилиб турибман.

Аҳмаров... Хўш, у ҳақида нималарни биламан? Тирик классик. Иккинчи исму шарифи — Муҳаммад. Пермь бадиий техникумида, В. Суриков номидаги Москва бадиий институтида таҳсил олган. Унинг номи эндиликда деярли афсонавий бўлиб қолган. Асарлари жаҳоннинг энг машҳур картина галереяларини безаб турибди. Хорижда Оғанинг асарларини кўпинча «Ўзбекистоннинг ташриф қоғози» деб атайдилар. И. Грабарнинг шогирди, А. Дейнека, В. Шчусев, Уста Ширин, Ўрол Тансиқбоевнинг замондоши, Абдулҳақ Абдуллаевнинг дўсти. Техникани, хусусан, автомобилни ёмон кўрадилар. Рафиқаси Шамсирўй Ҳасановага бўлган муҳаббатини умрининг охиригача ардоқладилар — бошқа уйланмадилар.

— Бултур квартирамни ўғри урди, — дедилар Оға маъюсланиб. — Ўшанда муолажада эдим. Шифохонага шу ҳақда хабар келди. Ҳаллослаганча етиб келдим. Нобакорлар ўлимлигимга атаб қўйган камаргина жамғармамни, Давлат мукофоти совриндори нишонимни ўмариб кетишипти. Баъзи бир ёдгорлик буюмлари, уч-тўртта асарларим ҳам топилмади. Барибир аламзада қалбимга таскин бердим: «Бундан ҳам ёмон бўлиши мумкин эди-ку?! Мана, дунёдаги энг севимли кишим Шамсирўйимни омонсиз ўлимнинг чангалидан олиб қололмадим-ку?! Мана, машъум Мексика зилзиласи даҳо санъаткор Давид Сикейроснинг муралларини (мексикаликлар деворий суратларни шундай аташади) кунпаякун қилиб кетди-ку?!»

Чингиз оға шундай деб, менинг илтимосимга кўра марҳума рафиқаси, мусаввира Шамсирўй Ҳасанованинг «Зебуннисо» асарини кўрсатдилар. Ҳолбуки энциклопедиянинг 14-жилдида Ш. Ҳасанова тўғрисидаги мақолада «Зебуннисо» портретининг қаердалиги номаълум» деб кўрсатилган. Оға руҳим тушиб кетганлигини кўриб, 30-йилларда юз берган бир кулгили воқеани сўзлаб бердилар:

— Биз ҳали Қаршида яшардик. Паранжи ташлаган оддий бир ўзбек аёли (чамаси, синфий душманлар унинг эрини ўлдириб кетишганди) ўқиб, оқ-қорани таниб, ички ишлар идорасида терговчи бўлиб ишларди. Ёнида тўппончаси ҳам бўларди. Шу аёл бир жиноятчини поездда Муборак бекатидан Қаршига довур — қамоқхонага кузатиб бориши керак бўлган. Нимаям бўлиб, вагонга жиноятчи чиқади-ю терговчи аёл бунга улгуролмайди — поезд юриб кетади-да. Алқисса, терговчи аёл эртасига юраги така-пука бўлиб қамоқхонага етиб келиб, қараса, жиноятчи эшик олдида сарғайиб ўтирганмиш. Қамоқхона маъмурияти: «Ёнингда хужжатларинг йўқ экан» деб, маҳбусни камерага киритмапти. Ахир унинг барча хужжатлари терговчи аёлда қолиб кетган экан-да?

Ажабки, ярим аср нари-берисида одамлар нечоғли манманлашиб, худбинлашиб кетишган-а, — мулоҳаза юритади Чингиз оға. — Тушуниб етолмайман. Бўлмаса, кичикроқ бир сув омбори қуриб, чор тарафга қарнай-сурнай чалиб, жар соладиган авлод бутун бошли Оролдай улкан бир уммоннинг қуриб бораётганига томошабин бўлиб турармиди?

Йўқ, бу билан мен ўша 30-йилларни идеаллаштирмоқчи эмасман. Тўғри, у пайтларда халқимиз очин-тўкин меҳнат қилар, усти ёлчиб кийим кўрмас, ҳозиргидай ялтир-юлтур, ясан-тусан етти ухлаб тушига ҳам кирмасди. Одамлар қаттиққўлроқ, аммо инсофлироқ, ҳалолроқ эдимией. Бу фазилатларнинг кўпи сўнгги йилларда заррама-зарра, оз-оздан қаёқларгадир ғойиб бўлмоқда.

Оға бир зум ўйга толдилар. Балки шу топда қалбининг бир бўлагига айланган, ўзига руҳан яқин кишилар — Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурҳонов, Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Майя Плисецкаянинг портретларини ёдга олдимикин? Бу портретлар орасида Шамсирўй Ҳасанованинг ҳам алоҳида ўрни бор. Бу энди Чингиз Аҳмаровнинг юрак чандиғи.

Тўлин ойни эслатадиган чеҳралар, бодом қовоқлар, ёйсимон қошлар, ўқ киприклар — «Аҳмаров санамлари» галереяси. Аҳмаров мингга яқин гўзалларнинг зикрини рангтасвирда бажо келтирди. Шулардан етти иқлим гўзаллари — «Ҳафт пайкар» туркуми алоҳида ўрин эгаллайди. Тошкент ва Москва метрополитени бекатларига ишлаган безаклари, Навоий номидаги академик опера ва балет Катта театр биринчи қаватининг фойесига чизган «Тасвирий санъат рамзи», «Рақс рамзи», «Шеърият рамзи», «Мусиқа рамзи» маҳоботли асарлари. Шу театрнинг иккинчи қавати фойесига чизган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» достонларининг кульминацион эпизодларига бағишланган деворий суратлар, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти равоғи, Тошкентдаги Навоий номли Адабиёт музейи заллари, Андижондаги Адабиёт музейи шохобчаси, Тошкент кабель заводи дам олиш зонаси заллари, Тошкент Хореография билим юрти интерьери, Самарқанддаги «Юлдуз» чойхона-ресторани комплексининг зиёфатхонаси, Красноярск шаҳридаги «Баҳор» қаҳвахонаси зали, Сочидаги «Ўзбекистон» санаторийси рақс залига ишлов қилган деворий суратлари, турли спектакларга ишлаган декорациялари, минглаб қораламалари, бўлажак асарларининг хомаки вариантлари, ўнларча китобларга — буларнинг аксариси ҳазрат Навоий қаламига мансуб — ишлаган суратлари, безаклари. Эҳ-ҳе, Оғанинг ғалабалари, қувонч ва иztироблари мужассам ишларнинг ҳаммасини бу ерда санаб битириш мушкулдир. Буларнинг ҳаммаси мусаввир ғаройиб мўйқаламидан сараланган ўзига хос қасидалардир.

Балки у К. Ёрматовнинг «Икки дил достони» фильми учун постановкачи рассом сифатида эскизлар яратиш жараёнида Мирзо Бедил асарларини синчиклаб мутолаа қилгани, Тошкент, Самарқанд музейларида сақланаётган Ўрта асрлар Шарқ санъати асарларини ўргангани, машҳур мусаввирлар, хусусан, миниатюрачи рассом Камолиддин Беҳзод ижодига боши билан шўнғиб кетгани, либосларга андоза излаб Ҳиндистон, Миср, Афғонистон, Яман, Ироқ, Ливан, Туркия каби мамлакатларни ҳам энига, ҳам бўйига кезиб чиққани, бу мамлакатларнинг ва халқларнинг бадиий ижод намуналарини, музейларидаги осори-атиқаларни ақл ва донишмандлик тарозисига солганини эслагандир?

Ўша куни мен мусаввирга одатдаги саволни беришдан ўзимни тия олмадим:

— Етмиш беш ёшингизни қандай кутиб олмоқдасиз?

— Юбилей кўргазмам устида ишлаётирман. (Бу кўргазма 1987 йилда бўлиб ўтди — Ш. С.). Биласизми, узоқ йиллар ижарада туриш «ҳаловати»ни татиб юрган бир мухбир укамизнинг оиласига яқинда квартира тегди. Унинг квартираси деворига бир деворий сурат чизишни дилимга тугиб юрардим. Ҳозир шунинг эскизини ишлаш билан бандман.

Кейин... Агар эзмаликка йўймасангиз, кўпдан бери ҳаёлимни олиб қочадиган бир фикрни айтмоқчи эдим. Қадимда чағона, барбат, руд, дилрабо деган мусиқа асбобларимиз бўлган. Қани энди шу созлар қайта тиксанса-ю уларнинг ижросида қониб-қониб куйлар тингласанг, киши. Балки бу созлар менинг асарларимда ҳам акс этармиди? Менимча, чинакамига изланишлар олиб борилса, бу борада ижобий натижага эга бўлиш мумкин. Ахир изланишлар туфайли қонун деган мусиқа созимиз қайта тикланди-ку? Қонуннинг зап ажойиб ижро имкониятлари бор-да. Форам садоланишини айтмайсизми? Қаранг, Абдурахмон Холтожиев бу созни қандай маромига етказиб чалади. Ҳолбуки, яқин ўтмишда қонун сарой чолғу асбоби сифатида баъзи бир «қўли узун» зотлар томонидан инкор қилинган эди.

— Шундай пайтлар бўлдики, халқимизнинг минг йиллик қутлуғ мероси — миниатюра санъати куфр эълон этилиб, тарихнинг чангли саҳифалари қатида қолиб кетди, — дейди Чингиз оға бирдан жонланиб. — Ажабки, хорижий Оврупо рангтасвирига сажда қилаётган пайтимизда... овруполиклар бизнинг миниатюраларимиз қаршисида тиз чўкишаётганди. Ҳайтовур, 80-йилларнинг бошларига келиб, аждодларимизнинг эзгу анъанаси — миниатюра санъатимизни қайта тиклашга муваффақ бўлдик. «Усто» бирлашмаси (Шохалил Шоёқубов — директор) теварагида қовушган мусаввирларимиз чакки ишлашмади, шекилли. Хабарингиз бордир, мўъжаз рангтасвир асарларимиз ҳатто чет элларга олтин баҳосида сотилди. Палех, Федоскин, Мстер лак миниатюраси мактабидан қолишадиган жойимиз йўқ эди. Кейин нимаям бўлди-ю «Усто»ни бир тупканнинг тубига тиқиб ташлашди. Ижод қилишга энг оддий шарт-шароит ҳам бўлмагач, ишбошиликни бас қилишимга тўғри келди. Ажойиб қилқалам соҳиблари бўлмиш ёш шогирдларим — Шомаҳмуд Муҳаммаджонов, Ниёзали Холматов, Мирҳамид Собиров, Ғайрат Камолов, Дилбар Эминова, Мунира Сотиболдиева, Наталия Цой ва бошқалар ҳар ёққа тарқидай тирқираб кетишди. Ҳолбуки уларнинг ҳар бири фазлу камол ва юриш-туришда ораста бўлган йигит-қизлардир. Улар ўз халқи тарихини танийдиган, унга меҳр қўйган ёшлардир. Тўғри, ҳозир ҳам бир қолипдаги, хира, жозиба ва бадиий қийматдан маҳрум бўлган «асарлар» чиқиб турибди, аммо улар нозик дидли, ўта талабчан харидор талабига жавоб беришдан ожиздир. Бу эса халқ амалий санъати шинавандаларини ташвишга солмоқда. Наҳотки миқоллаб қайта тикланган миниатюра санъатимизни яна унутсак?! Наҳотки XXI асрдаги авлодларимиз халқимизнинг заковатидан нишона бўлмиш шундай бир олий неъматдан бебаҳра қолса?!.. Ахир Навоий ҳазратлари ҳам «Гул борки, сабзавор орастадир» деганлар.

Суҳбатдошим йиғладими, хўрсиндими — билолмай қолдим. Ҳар ҳолда овози титраб, ҳиёл қалтираган қўллари билан чўнтагидан рўмолча чиқариб, иссиқдан бўғриққан юзидаги терними, киприкларига қўнган ёшними артди. Мен эса ҳаддим сиғиб, унинг кўзларига қарай олмадим...

Шерали СОКИН

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Беш нарса ақлли одам хислати: қўлдан кетган нарсага ачиниб ўтирмаслик, меҳнатдан қўрқмаслик, мағрур бўлмаслик, қўлдан келмаган ишга киришмаслик ва хоҳлаган нарсаси қўлга кирмаганига қайғурмаслик.

Оқил эрсанг сабр айлаб ҳар замон,
Қилма синган ҳам тўкилганга фиғон.

● Бир одам ўз хотини билан бирга қовурилган товуқ гўшти еб ўтирган эди. Шу чоғда бир гадой келиб, эшикни тақиллатди. Ҳалиги одам эшикни очгач, гадой ўз эҳтиёжини арз қилиб, ундан ёрдам сўради. Уй эгаси ҳеч нарса демай, у бечорани қувлаб юборди.

Бир неча вақт ўтгандан кейин бу одамнинг омади кетиб, ҳеч нарсаси қолмай, муҳтожликка тушди, ниҳоят, хотинига ҳам жавоб берди. Хотин ундан ажраб, бошқа эрга тегди. У бир кун янги эри билан нон ва қовурилган товуқ гўшти еб ўтирган эди, бир гадой келиб садақа сўради. Янги эр дарҳол нон устига товуқ гўшти қўйиб, хотинига шу овқатни гадойга чиқариб беришни буюрди. Хотин овқатни гадойга берди-ю, йиғлаб эри ёнига қайтди. Эри йиғининг сабабини сўради. Хотин бу гадой ўзининг биринчи эри эканини айтди. Иккинчи эр: «Биринчи эринг билан овқатланиб ўтирганингда тиланиб борган гадой мен эдим. Эринга бахиллиги сабабли замон шундай мукофот берган», деди.

● Ўзининг илмига, мартабасига мағрур бўлиб, кеккайиб кетиш жоҳилликнинг бир хилидир.

● Кишиларга хайрихоҳ бўлган одам ўз турмушидан хурсанд бўлиб, хур ва масъуд яшайди.

● Ваъдага — вафо, насибага — ризо, ҳар бир бахтсизликка қарши чидамли бўлиш, ҳақиқат ва тўғриликка риоя қилиш инсониятнинг асосий таянчларидан саналади.

● Одамларнинг қилган хайрли, фойдали ишларини мақтаб ўтиришдан кўра, улар каби хайрли ишлар қилиш афзалдир.

● Эй фарзанд, тавозели ва адабли одам халқнинг муҳаббатини ўзига жалб қилади, дўстлик гулшанида ёрқинлик гулларини очилтиради, у гулшандан яқинлик, меҳрибонлик ва улфат базмида ҳар хил хуш ҳидли гуллар сочади. Мутакаббирга юмшоқлик томон йўл кўрсатади.

Тавозе ва адаб ёши кичикларни катталар дуосига сазовор қилади, катталар кўнглига кичикларнинг меҳр-муҳаббатини солади. Адабли ва тавозели ёшни халқ қадрлайди. Мутакаббир, фақат ўз манфаатларини кўзловчилар, жоҳил ва нодонлар адаб, тавозе нуридан маҳрумдирлар.

● Ваъдага вафо қилиш — инсонлик фазилати. Қўлдан келмаган ишга ваъда бериш яхши хислатлардан саналмайди.

Бировга ваъда бергил уддасидан гар чиқар бўлсанг,
Вале қилмай вафо аҳдингга, бўлма юз қаролардин.

● Муҳтожликка тушиб қолишни истамасанг, қўлингдаги мол-давлатингни беҳудага сарф қилма. Исрофгарчиликдан сақлан, шундай қилсанг, бошқаларнинг мол-мулкига кўз олайтирмай, роҳатда яшайсан.

● Келмак иродат, кетмак ижозат биландир.

● Адаб ақлнинг ташқи суратидир.

● Жоҳиллик билан қилинган иш яхши натижа бермайди, гумон билан қилинган иш эса хавф-хатарлидир.

● Ҳақиқат тиканли гулга ўхшайди, ҳидлашни билмаганларнинг бурнига санчилади.

● Одам ҳар қанча олим бўлса ҳам, унинг ўзи сезмаган камчиликлари кўп.

● Баъзи кишиларнинг қулоғи ҳақиқий сўзни эшитиш учун игна тешиги каби тор бўлади. Мунофиқона сўзланган сўзлар учун дарвоза каби кенг очилади.

● Ярамас, фосиқ одамлар билан суҳбатдош бўлиш — илонни асрашга ўхшайди. Илон ҳар қанча асралса ҳам захари ва зиёни камаймайди, балки кўпаяди. Донолар билан суҳбатдошлик аттор дўконини эслатади. Аттор дўкони доимо димоғни хушбўй қилади.

● Инсон ҳар қандай мусибатга чидай олади, лекин доимий бўлган руҳий азобга чидай олмайди.

● Бузуқ, ярамас одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиш, улар билан ошно, оға-ини тутиниш бир кун фалокат келтиради.

Бўлмагил ҳаргиз ёмоннинг ўртоғи,
Йўқ эса тушгай бошингга ғам тоғи.

Ҳадисдан: Яхшиликни раҳмдил меҳрибон умматларимдан кутинглар. Шунда сизлар улардан умид қилган марҳаматларга эришасизлар. Тошбағир, қаттиққўл, бераҳм умматларимдан зинҳор яхшилик кутманглар. Зеро, уларга Оллоҳнинг лаънати ёғилиб туради. Эй Ҳазрати Али, Оллоҳ таоло яхшиликни яратганда унинг ўз аҳлини ҳам алоҳида яратган ва уларга яхшиликни ва хайрли ишларни яхши кўрсатиб қўйган. Шунинг учун улардан ким яхшилик кутса, албатта мақсадга эришаверади. Бунинг мисоли чанқоқ бўз ерга сув қўйиб юборилса, у ер қанчалик яшнаб ер эгаларини сероб қилгани каби яхшилик аҳли ҳам одамларга шунчалик манфаат ва баҳра етказурлар. Бу дунёдаги яхши кишилар охиратда ҳам яхшилар қаторида тургайлар.

Байт:

Ширин сўзли шилгай душман пўстини,
Даҳал сўзли душман қилар дўстини.

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Эътиборсизлик оқибати

Қўшнимизнинг бўлак жойда томорқаси бўлгани учун ўзидан ортган картошка, сабзи, пиёз каби полиз экинларини атрофдаги қўшниларга сотар эди. Кунларнинг бирида ўша қўшнидан бир пақир пиёз олиб, пулини ўша заҳоти тўлаган эдим, орадан хиёл вақт ўтмай, пиёз сотган келин ҳовлиқиб ҳовлимизга кириб келиб деди:

— Амаки, бояги олган пиёзингиз қани?

У пиёз ҳали пақирдан бўшатилмай ўша ҳолича ошхонада турган эди. Қўшни келиннинг бир ҳолатдаги рангини кўриб, ҳайрон бўлиб турганимда ўзи гап бошлади:

— Пақирингизга пиёз тортиб солаётганимда, бармоғимдаги узугим пақир ичига тушиб кетибди.

Ҳайрон бўлганимча қўшни келин олдида ошхонадаги пиёзни пақири билан қўлига тутқазиб:

— Мана, шошмасдан пиёзни ерга ағдариб, узугингизни излайверинг, — дедим.

Келин пақирдаги пиёзларни битталаб ерга олиб, пақирни бўшатди. Аммо узук йўқ эди. Бир томонда мен ҳам ҳижолатда бўлдим-да, келинга қараб дедим:

— Мендан аввал кимларга нима сотганингизни бир ўйлаб кўринг.

У бир оз хаёл сургач:

— Сизга пиёз сотмасимдан аввал бир хотин келиб, бармоқларимни ушлаб фол очиб қўйган эди, — деди.

Келин шундай деб кўзидаги нами билан ҳовлимиздан чиқиб кетди.

Кейин маълум бўлишича, қўшни келиннинг узугини ром кўрар хотин олиб қўйган экан. Шунга айтсалар керакда: «Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма» деб.

Саидмурод САИДАҲМАД

Ҳар касбнинг ўз гашти бор

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«Самарқандия»

Яқинда «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Насафийнинг «Самарқандия» («Самарқанд уламолари хотирасига доир қан(дек) ширин китоб») номли китобини босмадан чиқарди. Ушбу асар, асосан самарқандлик машҳур кишилар ҳаёти ва фаолияти ҳамда улар ривоят қилган ҳадисларга бағишланган бўлиб, унда Мовароуннаҳр тарихи, географияси, топонимикаси ҳамда ислом тарихига доир муҳим маълумотлар мавжуд. Асарга киритилган машҳур шахслар таржимаи ҳоли араб алифбоси тартибида жойлаштирилган бўлиб, унинг бизгача тўлиқ етиб келмаган қўлёзма нусхасининг «хо»дан «коф» ҳарфларигача бўлган қисмларигина сақланиб қолган. Шундай бўлса-да, бу асар мустақил юртимиз ўтмишига доир бошқа манбаларда учрамайдиган нодир маълумотларга эга эканлиги боисдан ниҳоятда муҳимдир. Биз ундаги 1010 та таржимаи ҳолдан биографик маълумотлари етарли ва келтирилган ҳадислари Имом ал-Бухорийнинг «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»ларидаги ҳадисларга зид бўлмаган 423 тасини танлаб олиб, ровийлар сонини қисқартирган ҳолда таржима қилиб, китобга киритдик.

Мазкур қўлёзма XI асрга мансуб бўлиб, 98 варақдан иборат. У Туркиядаги «Тарҳон волидаси» номли кутубхонада 70-рақам остида сақланади.

Кенг китобхонлар оммасига, айниқса, шарқшунослик билан шуғулланувчи тадқиқотчиларга мўлжалланган китобнинг нашр этилишига Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси беминнат молиявий ёрдам кўрсатди.

ТАЪЛИМ

Кафедра грант соҳиби

«Очиқ жамият — Ўзбекистон кўмак институти» — Сорос жамғармаси Тошкент Давлат техника университети билан ҳам алоқаларни боғлаб келмоқда. Олий ўқув юрти бу халқаро жамғарма ёрдами билан ўз ўқув-моддий-техник негизини мустаҳкамлашга эришмоқда.

Университетнинг «Ахборотни қайта ишлаш ва бошқаришни автоматлаштирилган тизимлари» кафедраси эса шу ҳамкорлик туфайли Интернет алоқа тизимига уланди. Интернет тармоғида ишлашни ташкил этишни йўлга қўйиш учун «Сорос» жамғармаси махсус грант ажратди. 27 минг АҚШ доллари миқдорига тенг бўлган грант маблағи тўла ўзлаштирилди.

Бундан ташқари университет кутубхонасига жамғарма кўмагида кўплаб дарслик ва ўқув адабиётлари олинди.

Акбар АЛИЕВ

ҲАМКОРЛИК

Янги конструкциядаги фильтр

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти олимлари тракторларни техникавий такомиллаштиришдан иборат жараёнларга ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Буни «Камминз» корхонаси двигателлари ўрнатилган тракторлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бу хил двигателларда фойдаланиладиган мотор мойларининг сифат кўрсаткичини яхшилаш тадбирлари ҳам кўрилди. Натижада мойлардаги механик аралашмалар миқдори кутилган ўлчовга келтирилди.

«Тошкент трактор заводи» ҳиссадорлик жамияти, «Металлкерамика» қўшма корхонаси ва бошқа ташкилотлар билан олиб борилган илмий изланишлар туфайли янги конструкциядаги фильтр ишлаб чиқарила бошланди.

Анвар ВАЛИЕВ

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

Бола бошидан...

Шаҳримизнинг равон кўчаларидан бирида «Мерседес» автобусида кетаётган эдим. Шаҳримиз ҳиёбонларида, йўлакларда, ҳамма ёқда кўпчилик интиқлик билан кутган оппоқ кор. Енгил ва деярли шовқинсиз кетаётган автобус ойнасига «тақ» этиб бир нарса урилди-ю автобусдаги бир неча аёл «вой» деб бақиришиб юборишди. Янги автобуснинг дераза ойнаси чилчил синиб кетди.

Автобусга тош отган 10-12 ёшли болалар эса ўз «ишларидан» хурсанд, қийқиришиб 9 қаватли уй томон қочиб кетишди. Шофер кейинги бекатда машинани тўхтатиб, давлат ҳисобидан чет элдан нечанеча минг доллар валюта эвазига олиб келтирилган ва бир сонияда синиб тўкилган автобус ойнасига қараб юраги ачишиб кетдими, яхшилаб сўкиниб қўйди. Йўловчиларга «етиб келдинглар», — деб автобусдан тушириб юбордию автосаройга қараб бурилди. Одамлар совуқда кўчада кейинги машинани кутиб қолдилар. Мен эса машинага тош отган болалар, уларнинг тарбияси, бир неча дақиқада давлат қанча зарар кўргани ҳақида ўйлардим.

Афсуски бундай ҳодисалар кам эмас. Поездларга болаларнинг қор эмас, тош отишлари, симёғочлардаги лампочкаларнинг турмаслиги, пештахта ойналарининг синдириб кетилиши — юзлаб, минглаб шундай ҳодисалар эмасми? Бунинг оқибатида мамлакат бир кунда қанча-қанча миллионлаб сўмларда моддий зарар кўрар экан?

Шунда ўйлаб қоламан. Ҳозирги кунда ёшларимизнинг тарбияси етарли даражада яхшими?

Албатта, юксак тарбияли, одоб-ахлоқли, оқил ва доно ёшларимиз кўп. Лекин, афсуслар бўлсинки, етарли тарбия кўрмаган ёки ёмон тарбияга моил ёшларимиз ҳам талайгина. Бунинг асосий сабаби, менимча, биз катталар кўпроқ турмуш ташвишлари билан болаларимизнинг тарбиясига жуда кам эътибор берамиз, ҳар куни кўчага кузатишдан олдин айтишимиз керак бўлган ўгитларни айтишга вақтимизни қизғанамиз. Бунинг эвазига эса... Шаҳримиз кўчаларига бир қаранг: йўлаклардаги ахлатлар, қоғоз парчалари, синган ойналару чироқлар, топталган гуллар ва синган дарахтларнинг шохлари, деворлардаги ёзувлар буларнинг аксарияти кичик ва ўрта ёшдаги болаларимизнинг «хизматлари» эмасми?

Ўйлаб кўрайлик. Нима учун шаҳримизнинг кўчаларида мевали ва манзарали дарахтлар, гуллар асосан қўриқланадиган ёки панжара билан ўралган жойлардагина ўсади. Бунинг асосий сабаби юмшоқ қилиб айтганда болаларимизнинг «бебошлиги»дан қўрққанимиздан эмасмикин?

Халқимизда «Кўчада ўсган мева, гул, дарахт кўчаники, халқники», деган яхши ибора бор. Кўпинча шу иборани кўпчилигимиз нотўғри тушунамиз ва баъзан биз катталар ҳам кўчадаги меваларни бемалол олаверамиз, гулларни узаверамиз. Бу билан ёмон ибрат бўлаётганимизни сезмаймиз ҳам. Ҳа, кўчадаги мева, гул ёки дарахт — булар кўпчиликники. Шунинг учун ҳам уларни ўзимизникидан ортиқ асрашимиз ва авайлашимиз керак эмасми? Ёки яна бир мисол: кўчада ўтиш мумкин бўлмаган жойлардан ҳам бемалол ўтиб кета берамиз. Аслида эса бу шошма-шошарлик билан гулларни топташ, меваларни қуритиш ёки хавфли йўл ҳаракати ҳолатини пайдо қилишдан бошқа ҳеч нарсага эришмаймиз.

Бизнинг фикримизча, атрофимиздаги гўзалликлар, моддий неъматларнинг оз ёки кўплиги бизга боғлиқ эмасдек, кимдир уни яратиши керакдек (шунинг учун у ойлик олади-да), биз хоҳласак ва хоҳламасак ҳам, улар яратилаберадигандек туюлади бизга. Масалан бекатда туриб сигарета ёки писта қолдиқларини бемалол ерга ташлай берамиз, фаррошларнинг оғир ишларини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Ўйлаймизки, фаррош ҳам биз каби инсон, акамиз ёки онамиз, кўчада ахлат қанча кам бўлса унинг иши осонлашади, кайфияти яхшиланади, яна ҳам яхшироқ ишлайди, атроф эса яна ҳам тоза бўлади, бу эса энг аввало ўзимиз учун, бизнинг соғлиғимиз учун керакдир. Ёинки машина ёки поездда кетаётиб сигарет қутиси ёки бошқа кераксиз нарсани ахлат яшигига ташлагандек деразадан улоқтирамиз. Бу ҳаракатларимизни болаларимиз кўради ва биздан икки марта кўпроқ такрорлайдилар.

Халқимизда яна бир гап бор: «Ўзи йўқнинг кўзи йўқ». Хўжасизликка тааллуқли бу мақолни биз нотўғри тушунамиз. Яъни бирор нарсанинг эгаси йўқ бўлса унга тегиш, олиб кетиш ёки топташ ҳам мумкиндек. Лекин Оллоҳ ҳамма нарсани кўриб туришини эсдан чиқариб қўямиз ва худди шундай кун эртагаёқ ўзимизнинг бошимизга ҳам тушиши мумкинлигини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Зеро, «ким осмонга қараб тупурса, юзига қайтиб тушади». Лекин менимча, қайси томонга тупурмайлик у ўзимизга қайтиши аниқ. Чунки шу ерда яшасак, ўзимиз чиқарган чангдан ўзимиз нафас олмаймизми?

Яратиш ҳиссини, мустақил ўз фикри ва кучи билан моддий ёки маънавий бирон бир нарса яратиш завқини ҳис қилиш бахтини ҳозирги замон тадбиркоридан, ижодкоридан сўранг. Шундай бахтга ким бир бора муяссар бўлган бўлса, унга яна ва яна интилаберади, бошқалар меҳнатининг қадрига етади.

Биз ёшларимизни шундай тарбиялашимиз керакки, улар Имом Ал-Бухорий, Ибн Сино, Навоий, Абдулла Қодирий ҳавас қилганидек тарбияга эга бўлсинлар. Тарбия бобида бизнинг ёшларимиз бутун дунё ёшларига ибрат бўла олсинлар.

Муҳаммадзаҳроб ИСМАНОВ,
Тошкент Давлат техника университетининг профессори.

«Марҳабо, Миср!» мусобақаси ғолиблари тақдирланди

Куни кеча Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Матбуот шўъбаси «Ўзбекистон—Миср» дўстлик жамияти билан ҳамкорликда Тошкент Давлат шарқшунослик институти мажлислар залида Матбуот шўъбаси ёз ойлари давомида ўтказган «Марҳабо, Миср» мусобақаси ғолибларига мукофотларни топшириш муносабати билан катта концерт — тантана ўтказди.

Шуниси эътиборга лойиқки, ана шундай мусобақалар мана тўрт йилдирки, узлуксиз ўтказиб келинади. Одатда унинг 6 та биринчи ғолиблари Мисрга бепул сафар йўлланмаси билан тақдирланар эди. Бу йўлланмалар кўҳна юртдаги 5 юлдузли меҳмонхоналарда туриш, мамлакат бўйлаб сафар қилиш, у ерлардаги диққатга сазовор жойлар билан яқиндан танишиш сарф-харажатларини ўз ичига олар эди. Бунга қўшимча ҳолда яна 15 дан ортиқ ғолиблар рангли телевизор, видеомагнитофон, чангютгич сингари қимматбаҳо буюмлар ҳамда эсдалик совғалари билан мукофотланар эдилар. Бу йил эса минтақада вужудга келган вазият туфайли мусобақа ташкилотчилари ғолибларга қимматбаҳо ва эсдалик совғалар тақдим этиш билан чекланишди.

Яна эътиборли томони шундаки, бу йил мусобақа материаллари ўзбек, рус, тожик ва қозоқ тилларида чоп этиладиган «Мулкдор», «Тасвир», «Овози тожик», «Нурли жол», «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент», «Моҳият», «Время и ми», «Янги аср газетаси», «Молодежь Узбекистана» сингари 12 газета саҳифаларида, республика телевидениесининг «Ассалом, Ўзбекистон» тонгги теледастури, радионинг «Дунё» эшиттириши орқали мунтазам ёритиб борилди.

Ғолибларга мукофотларни топшириш тантаналарида Хорижий мамлакатлар билан маданий ва маърифий алоқалар ўрнатиш жамиятлари кенгаши раиси, «Ўзбекистон—Миср» дўстлик жамияти раиси, Тошкент Давлат шарқшунослик институти ректори, академик Неъматулло Иброҳимов, Миснинг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили, мухтор вазир Фарғалий Тоҳа, Миср элчихонасининг ОАВ бўйича маслаҳатчиси Раъфат Ас-Сабъа, шунингдек Ўзбекистонда фаолият юритаётган элчихона ва дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари, қатор олий ўқув юртларининг вакиллари, мусобақа қатнашчилари, Шарқшунослик институти устозлари ва талабалари, «Ўзбекистон — Миср» дўстлик жамияти фаоллари иштирок этдилар.

Мазкур тантанани Миср элчихонасининг ОАВ бўйича маслаҳатчиси Раъфат Ас-Сабъа қисқача кириш сўзи билан очиб, мусобақа ғолибларини чин дилдан муборакбод этди, уларга ҳамиша омад қулиб боқишини тилади. Маҳаллий ОАВ ходимларига икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқалар янада ривож топиши йўлидаги ҳамкорликлари учун ўз миннатдорчилигини изҳор этди. Миснинг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили, мухтор вазир Фарғалий Тоҳа икки қардош юрт орасидаги маданий-маърифий, ОАВ сингари соҳалардаги ҳамкорлик самаралари, ўзаро алоқалар ривожига икки юрт раҳбарлари кўрсатаётган катта эътибор ҳақида, бунда ҳеч шак-шубҳасиз ОАВ, Миср Матбуот шўъбаси ва «Ўзбекистон—Миср», «Миср—Ўзбекистон» дўстлик жамиятларининг ҳам муносиб улуши борлигини таъкидлади. Шундан сўнг сўзга чиққан профессор Неъматулло Иброҳимов «Ўзбекистон—Миср» дўстлик жамиятининг икки қардош юрт ва биродар халқ ўртасидаги алоқаларни янада юқори босқичга кўтариш йўлидаги фаолияти ҳақида тўхталди. Айни чоғда у Ўзбекистон аҳлини Миср халқининг тарихи, маданияти, унинг шу кунларда барча соҳаларда қўлга киритаётган ютуқлари билан яқиндан таништиришда Миср Матбуот маркази ўтказиб келаётган мусобақалар аҳамиятига юқори баҳо берди. У шунингдек, икки биродар халқ ўртасидаги дўстона алоқалар ўтмиши ва ҳозири, бу алоқалар ривожига икки юрт раҳбарлари кўрсатаётган улкан диққат-эътибор ҳақида ҳам сўзлади.

Шундан сўнг ғолибларга мукофот ва совринлар топшириш тантаналари бўлиб ўтди.

Сўнгра ғолиблар шарафига катта концерт кўрсатилди. Унда Ғуломжон Ёқубов сингари республика халқ артистлари, ўз рақс санъатини Миср, АҚШ сингари юртларда бир неча бор намойиш этган, шарқ рақси устаси Розахоним, ёшларнинг севимли гуруҳи «Шаҳзод» билан бир қаторда, Тошкент авиасозлар маданият уйининг жажжи рақҳосалари ҳам ўзларининг моҳирона ижро этилган ўзбекча ва арабча рақслари билан ҳозир бўлганларнинг олқишларига сазовор бўлдилар. Умуман, ушбу концерт йиғилганлар қалбларига оламолам қувонч бахш этди. Кеча қатнашчилари ушбу мусобақа ҳамда ажойиб кечани уюштиргани учун Миср элчихонасининг ОАВ бўйича маслаҳатчиси Раъфат Ас-Сабъага, Миср элчихонаси масъулларига ўз миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

Миср элчихонасининг Матбуот шўъбаси ўтказаётган мусобақалар, у уюштираётган кўргазма ва турли кечалар, республика телевидениеси томонидан намойиш этиш учун тақдим этилаётган кўп қисмли фильмлар, бадиий ва ҳужжатли кино тасмалар, видеоклип ва намойиш материалларига келсак, улар чиндан ҳам таҳсинга лойиқ. Бу шўъбанинг кенг қамровли ва тўлақонли фаолияти шу жиҳатлари билан ҳам республикада мавжуд бошқа шўъбалар ва ваколатхоналар фаолиятидан ажралиб туради.

СУРАТДА: ғолибларга мукофотлар топширилмоқда.

Буажиб дунё

Овқатланиш «дарси»

Калифорния океанариумига узунлиги 4,5 метр, оғирлиги 400 килограмм келадиган қилич балиқни олиб келишганида, бу ерда яшаётган бошқа мавжудотлар қаерга яширинишларини билмай қолдилар. Балиқлар озиқлантирилаётганда қилич балиқ озуқани ўзининг улкан жағлари билан шундай иштаҳа ва қизғанчиқлик билан илиб олар ва уни бўлакларга бўлиб ташлар эдики, қолган жониворлар буни кўриб писиб қолардилар. Шундан сўнг ғаввос Бурце Парксга қилич балиққа овқатланиш «маданияти»дан бир неча бор «дарс» беришига тўғри келди. Дарс қилич балиққа ёқиб қолди ва у ғаввоснинг озиқлантиришига ўрганди. «Энага» балиқни озиқлантирмайдиган бўлса, қилич балиқ очлик эълон қиладиган бўлди. Шундай қилиб Бурце Паркс балиқнинг ҳақиқий «отасига» айланди.

Жароҳатланган кема

Англия газеталарининг бири 1889 йили қилич балиқларнинг қандай катта кучга эга эканлиги ҳақида шундай мақола эълон қилган. Норвегия кемаларидан бири Монтевидеодан чиқиб Квебекка кетаётганида кеманинг остки қисми унга келиб урилган қандайдир кучдан жароҳат олади ва тешилиб, кемага сув кира бошлайди. Текширишларда кемага урилган нарса нима эканлигини аниқлашнинг имкони бўлмайди. Кема чўкиб кетмаслиги учун, унга сизиб кираётган сувни махсус мотопомпалар орқали сўриб олиб, кема ташқарисига чиқариб туришади. Кема Квебекка эсон-омон етиб келганидан сўнг, юкни тушириб, яхшилаб текшириб кўрилганида, кема тагида унга санчилиб қолган қилич балиқ «тумшуғи»нинг бир бўлаги топилган. Балиқ қиличи кеманинг металл қопламасини, 6 дюйм қалинликдаги тахтани тешиб ўтиб, кема ичига 11 дюйм кирган.

Чекиш истаги

Чекиш зарар. Лекин гап бу ҳақда эмас. Англиялик 43 ёшли Питер Боддингтон кўп чекади. У ҳар куни Лондондаги Виктория вокзалидан Брайтонга ишга боради ва ортига қайтади. Бир йилда йўлкиранинг ўзига 2 минг 460 фунт сарфлайди. Бундай йўл ҳақи унча-мунчани «чақиб» кўяди. Лекин уни йўлкирадан ҳам ошиб тушадиган «чиқим» қийнайди. Аксига олиб «Коннекс Саут Сентрал» компанияси поезд вагонларида чекишга қарши қаттиқ ҳужум бошлаган.

Тарки — одат — амри маҳол дейдилар. Шўрлик Питер вагонда чеккани учун йилига 20 минг фунт жарима тўлайди. Бу ҳам етмагандай 14 кун қамоқда ўтириб чиқди, бир неча тун «тутиб» қолишди.

Барибир. Ашаддий кашанда вагонда чекмасликнинг ҳеч иложини қилолмаяпти. Тамаки қурғур ҳаммасидан устун. Бу масаланинг бир томони. Яна бир нозик томони, бундай «чеклашлар», «ман қилишлар»га қарши кашанда ҳам ўзича исён қиляпти. «Барибир чекиш» истаги уни маънан бироз тинчлантирсада, ҳамёнини қуритяпти.

Начора, ё тамаки ё ҳамёнда. Ҳозирча кашандага тамаки аъло, чоғи.

Беморларни ҳимоя қиладиган марказ

Америкада энг кўп тарқалган, ўлимга сабаб бўладиган касалликлар деб юраккон томир, онкологик, инсульт, ўпка шамоллаши ҳамда... шифокорларнинг хатоси саналади. Ҳар йили 98 минг бемор клиникалардаги дўхтирларга шифо истаб мурожаат қилади ва «у дунё сари йўл олади». Бунга сабаб тиббиёт ходимларининг ўз ишига ғоят совуққонлик билан муносабатда бўлишларидир. «Қурбон»ларнинг сони йил сайин бетўхтов ўсиб кетаётганидан ташвишланган АҚШ соғлиқни сақлаш вазирлиги тезлик билан мижоз беморларнинг хавфсизлигини ҳимоя қиладиган марказ тузишни тавсия қилди. Марказнинг вазифаси илмига амал қилмаган врачларнинг бефарқлигидан беморларни ҳимоя қилишдир.

Гўзаллик ва нафосат мезони

Гўзаллик, оқилалик, назокату нафосат аёлларга, қизларга хос фазилатдир. Гўзалликни турли халқлар турлича кашф этганлар.

● Қадимги перуликлар қизлари чиройли бўлиши учун оппоқ тишларини қорага бўяшган, ёшлик чоғларида уларнинг икки кўзи ўртасига маржонни ипга қадаб тикиб қўйишар экан, натижада уларда ғилайлик ривожланган. Бу ғилайлик улар учун гўзаллик мезони ҳисобланган.

● Қадимги мисрликлар эса бош чаноғининг чўзинчоқлигида гўзалликни кўра билишган. Бунга эришиш учун чақалоқлигиданоқ қизларнинг икки чаккасини қаттиқ танғиб ўраб қўйишган. Африканинг баъзи қабилаларида аёлларнинг гўзал бўлиши учун бўйинларига узун спиралсимон ҳалқалар кийдиришган, қизчаларини ҳам ана шундай тақинчоқлар билан безаб, йилдан йилга унинг қаторини кўпайтириб боришган.

● Хитойликлар оёқлари кичик аёлларни афзал кўришади. Шунинг учун улар қизчаларини оёқларини қисиб турадиган кичкина шиппаклар кийишга мажбур қилишади.

ФУТБОЛ

Терма жамоани ким бошқаради?

Футбол жаҳондаги энг оммавий, миллионлар севган ўйин. Афсуски, республикамиз чарм тўп усталари турли сабабларга кўра янги асрдаги дастлабки жаҳон чемпионатида қатнашиш учун йўлланмани қўлга кирита олишмади. Ҳозирги кундаги асосий вазифа эса терма жамоамизга муносиб бош мураббий тайинлаб, янги таркибни шакллантирган ҳолда келаси йили ўтказиладиган Осиё ўйинлари, 2006 йилги жаҳон чемпионати саралаш турнирига қизғин тайёргарлик кўришдир.

КЕЧА

«Жар» спорт марказида Ўзбекистон терма жамоасига янги бош мураббий тайинлаш масаласига бағишланган йиғилиш илк бор ошкора руҳда мутахассислар, журналистлар ҳамда ишқибозлар иштирокида, уларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда бўлиб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон футбол федерациясининг масъул ходими, Осиё футбол конфедерациясининг техник директори Рустам Акрамов терма жамоамизнинг камчиликларини таҳлил қилган ҳолда 2001-2006 йилда Ўзбекистонда футболни ривожлантириш концепциясининг асосий жиҳатларига тўхталиб ўтди. Терма жамоамиз бош мураббийси вазифасига Э. Абдураимов, Ю. Саркисян, А. Иванков, Б. Ҳакимов, А. Иноятов, С. Борисовлар номзодликка тўғри келишини билдириб, уларга қисқача тавсиф берди.

Футболимиз фахрийларидан А. Азизхўжаев, С. Эшмуҳамедов, Т. Исоқов, журналистлардан Т. Низаев, Д. Турдалиев, О. Юнусов футбол ишқибози А. Мирмаҳмудов ва бошқалар ҳам терма жамоа бош мураббийси қандай хислатларга эга бўлиши, биринчи навбатда нималарга эътибор қаратиши лозимлиги тўғрисида ўз фикрларини билдиришиб юқоридаги номзодларга қўшимча равишда Б. Иброҳимов, Т. Исоқов, Р. Ҳайдаров, Р. Инилеевларнинг номзодларини ҳам кўриб чиқишни таклиф этишди.

Тадбир сўнггида терма жамоа бош мураббийлигига асосий номзодлар Э. Абдураимов, Ю. Саркисян, Б. Ҳакимов, В. Борисовлар ушбу вазифага қўйилсалар қандай тарзда фаолият кўрсатишларини айтиб ўтдилар.

Барча фикр-мулоҳазалар ўрганилиб, тез орада бош мураббий тайинланишига келишиб олинди.

Дилшод ИСРОИЛОВ

Соғлиғингиз ҳақида қайғурасизми?

МУЛОҲАЗА

Албатта бу тўғрида ҳар бир инсон кўпроқ ёки озроқ бўлса ҳам қайғуриб туради.

Лекин ўзингизга ташқаридан разм солиб кўрингчи. Сиз қандай тана тузилишига эгасиз. Балки сиз ҳар куни эрталаб югуришни канда қилмайдиган ёки аксинча, озгина чопиб ҳансираб қоладиган тоифадаги инсондирсиз. Балки сиз куч-қувватга тўлиб-тошгандирсиз? Кундалик ташвишлар, ишхонангиздаги меҳнатингиз, унга қўшимча ҳолда уйдаги юмушлар сизнинг «соппа-соғ» эканлигингизни исботлайди гўё. Бадантарбиячи? Вақт борми? Э... бадантарбияга йўл бўлсин, ўзимнинг кундалик ишим бадантарбия-ку, дейишингиз мумкин. Ортиқча ҳаракатнинг нима кераги бор.

Шундай қилиб ушбу масалага ҳаққоний ёндошсак сизнинг танангизнинг талаблари ушбу саволга жавоб бўлади. Одамзод танаси кун бўйи бир хил фаолиятни амалга ошириш ёки давомий соатлар жараёнида ишхонадаги курсида ўтириш учун яралмаган. Аксинча сизнинг танангиз югуриш, сакраш ва шунга ўхшаш турли-туман ҳаракатларни амалга оширишни талаб қилиб туради. Агарда танангиз ушбу фаолиятларга чанқоқ бўлиб турса-ю сиз бунга эътибор бермасангиз, соғлиғингиз орқага кетиши аниқ. Сизнинг миянгиз кун бўйи ишлайди ва кўпгина масалаларни ҳал қилади, танангиз эса ҳеч нарсани амалга оширмайди ва бу эса бир неча кун, ҳафта, ҳатто, ойлаб давом этиши мумкин. Бунинг натижасида сиз турли касалликларга чалинишингиз мумкин.

Одамлар табиатида одат бўлиб қолган, унинг кўнглини тинчлантириб турувчи бир гап бор: «Мен соппа соғман, бундай касаллик менда йўқ. Мен бу касалликка чалинмайман». Балки ҳақиқатан шундайдир. Лекин танангиз талабларини, яъни бадантарбияни кундалик одатингизга айлантирсангиз, юқоридаги кўнглингизга юзаки таскин берувчи жумлаларни айтишга сизда эҳтиёж қолмайди.

Нилуфар ЗОКИРОВА

ШИФОКОР ПОСТНИКОВ

«Самарали даволаш» халқ табобати фирмасининг директори 25 йиллик амалий фаолияти давомида суртмалар ва дори-дармонларсиз барча тери касалликларини тўла даволаш методикасини ишлаб чиқди. У терини эмас, кишининг ўзини даволайди, қони, жигари, буйраги, ўт пуфаги, ичак йўлларини тозалайди ва моддалар алмашинувини тиклайди. Иммунитетни ва инфекцияларга организмнинг қаршилик кучини оширади, тананинг ҳимоя вазифаларини кучайтиради, туз, қум, тош, билирубин, ферментлар, балғам, шиш ҳужайраларини чиқариб ташлайди ва натижада касалликнинг бирор нарсага «ёпишиб» олишига имкон қолмайди. Псориаз, темиратки, замбуруғ, қичима, экзема, қизилча, қўтир, оқ ва жигарранг доғлар, витилиго, куйишлар, чандиқлар, ажинлар, гайморит, бош оғриғи, қон босими, остеохондроз, миома, мастит, аденома, простатит безларининг яллиғланиши, гижжалар, лямблалар, пиелонефрит, йўтал, ошқозон яраси, бўқоқ, гепатит, соч тўкилиши, бавосил, варикоз, ҳуснбузар ва тошмалар, йирингли яралар, аллергиядан асар ҳам қолмайди.

Манзил: Бештерак кўчаси, 21 (собиқ Воровский 1-тор кўчаси — вино заводидан 1-Тошкент тиббиёт институти томон ички ишлар идораси ва стоматология поликлиникаси ёнидан борилади).

Қабул вақти: ҳар куни соат 15 дан 19 гача; шанба кунлари соат 15 дан 17 гача. Якшанба — дам олиш куни.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси
Тошканбой Эгамбердиев номли
Тошкент Давлат цирки

2001 йил 16 ноябрдан
«ДОРБОЗЛАР»
Хитойда ўтказилган фестивалнинг кумуш совриндорлари хизмат кўрсатган артист Нарзанисо АЛИЕВА раҳбарлиги остида
ҚУВНОҚ МАСХАРАБОЗЛАР, ЎРГАТИЛГАН КУЧУКЧАЛАР, ҲИМОЛАЙ АЙИҚЛАРИ ВА БОШҚА КЎПГИНА ТОМОШАЛАР ҲАМ БЎЛАДИ

Цирк ҳафтасига уч кун ишлайди.
Томошалар: жума кунлари — соат 18.00 да, шанба ва якшанбада — 12.00, 15.00 ва 18.00 да бошланади.
Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилади.
Ҳақ турлича шаклда тўланиши мумкин.
Касса эрталабки соат 9.00 дан очиқ.
Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-32-23, 144-29-04.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ижроия маҳкамаси Ер муносабатларини ва Кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси томонидан Чилонзор тумани, Олмазор мавзеси, Фурқат кўчаси, 14-уйда жойлашган «MEHNAT-ST» масъулияти чекланган жамияти, Маиший хизмат уйига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг 1996 йил 4 июндаги 1091-сонли Давлат ордерига асосан эгалик ҳуқуқи билан 3—153/2001 реестр рақамда бинонинг бир қисми Давлат кадастр рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси уюшманинг «Мотор» газетаси бош муҳаррири **Анвар Юнусович АЛИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Очиқ турдаги Тошкент «Баққоллик» акционерлик жамияти жамоаси жамият раиси ўринбосари Маҳкам Туропович Туроповга волидаи муҳтарамаси **Турсуной ая САИДОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ижарадаги Тошкент полиграфия комбинати меҳнат жамоаси корхона бош директорининг ўринбосари Ғайрат Аминович Обидова онаси **ҲАБИБА аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2668 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-3007. Босмага топшириш вақти 11.30 Топширилди 1 2 3 4 5 6